



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Бузрукова Махина

катта ўқитувчи, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
Шароф Рашидов номидаги СамДУ Самарқанд, Ўзбекистон

## ЭЛЕКТРОН МУЛОҚОТ ШАКЛИДАГИ ИЛТИМОС НУТҚИЙ АКТЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СОЦИОПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

### Аннотация

Мазкур мақолада электрон хатларда илтимос нутқий актининг инглиз ва ўзбек тилларида воқеланиши, социопрагматик хусусиятлари таҳлил қилинган. Биз таҳлил учун танлаётган электрон номалар ижтимоий нотенглик вазиятида, яъни талабаларнинг профессор-ўқитувчилардан янги ўқув материалларини танлашда ёки илмий изланишларида ёрдам беришни сўраб ёзган хатлардир. Илтимос нутқий акти тадқиқига бағишлиланган ишларнинг сони анчагина бўлишига қарамасдан, электрон вариантдаги илтимосномалар камдан-кам ўрганилган. Баъзи ишларда таҳлил қилинаётган хатлар тадқиқотчи ёки талабаларнинг ўзаро мулоқоти матнидан иборат. Синовда мўлжалланган масалалардан дастлабкиси электрон шаклда илтимосномаларнинг матн тузилишидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини қиёслаш, ҳамда, илтимос ифодасида қайси стратегия кўпроқ фаоллашувини аниқлашдан иборат эди. Шунингдек, тадқиқ қилинаётган групкалар ўртасида илтимос нутқий актини воқелантиришда луғавий воситалар ва синтактик модификаторларнинг қўлланиш даражаси таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** прагматика, нутқий акт, илтимос стратегиялари, бевосита илтимос, билвосита илтимос, лексик воситалар, синтактик модификаторлар.

Мулоқот жараёнида электрон воситалардан кенг кўламда фойдаланилаётган бўлсакда, лекин бу усульнинг татбиқи унчалик осон эмас. Тенгқурлар бир-бирига электрон хат

жұннатишга унчалик қийналмасликлари мүмкін, аммо мұлоқотдошлар ўртасидаги ижтимоий масофа узоклашгани сари хатни түзишдеги қийинчиликлар күпаяверади. Натижада ижтимоий мақоми юқори бўлган шахсларга жұннатиладиган матнни режалаштириш ва ёзиш анча интеллектуал энергия ва вақт сарфини талаб қиласди.

Хабар айниқса хорижий тилда битилаётганида қийинчилик яққол сезилиб туради. Бу ҳолатда хат муаллифи етарли лисоний билим ва прагматик компетенцияга эга бўлиш билан бир қаторда, бошқа маданиятга хос меъёрлар ва қадриятлар билан таниш бўлиши даркор.

Прагмалингвистлар илтимос мазмунидаги дискурсив фаолият қамраб оладиган коммуникатив стратегиялар пофонали, муносабатини қуидаги расмда тасвирлайдилар (1- расмга қаранг).



1- расм. Илтимос стратегиялари

Биз таҳлил учун танлаётган электрон номалар ижтимоий нотенглик вазиятида, яъни талабаларнинг профессор-ўқитувчилардан янги ўқув материалларини танлашда ёки илмий изланишларида ёрдам беришни сўраб ёзган хатлардир. Илтимос нутқий акти тадқиқига бағишлиланган ишларнинг сони анчагина бўлишига қарамасдан, электрон вариантдаги илтимосномалар камдан-кам ўрганилганини унутмаслик керак [5, Б.59-81].<sup>1</sup> Баъзи ишларда таҳлил қилинаётган хатлар тадқиқотчи ёки талабаларнинг ўзаро мұлоқоти матнидан иборат.

Илтимос нутқий акти тингловчи «ўзлиги»га таъсир кўрсатиши сабабли, унинг самарасини таъминловчи ҳурмат қоидаларига амал қилишга мажбурмиз.

Илтимос қилаётган тил соҳиби ўзи ва тингловчи «ўзлиги»ни сақлаш учун турли лисоний ва нолисоний омиллардан фойдаланади. Масалан, *Could you possibly open the*

<sup>1</sup>Biesenbach-Lucas S. Student's writing e-mails to faculty an examination of e-politeness among native and non-native speakers of English // Language Learning and Technology, 2007. vol. 11. – P. 59-81.



*door for me?* Гапидаги «possibly» равиши илтимоснинг оҳангини пасайтиришга кўмак беради(1 - жадвалга қаранг).

### 1.1 - жадвал Илтимос нутқий акти мазмунини ўзгартирувчи бирликлар

Тури	Тавсифи	Инглизча мисоллар	Ўзбекча мисоллар
Бошланғич киритма	Тингловчини ҳамкорлика ундовчи элементлар	Would you mind lend me little change to make copies	Илтимос, шу хатни жўнатиб юборсангиз.
Асослаш	Буйруқ оҳангини кучизлантириш воситалари	Would you mind if I borrow the book for a while?	Китобингни олиб турсам, қарши эмасмисан?
Силлиқлаштириш	Илтимос ундовини хушмуомала изхор қилиш воситалари	Could you possibly loan me enough ...?	Имкони бўлса, бироз қарз бериб турсанг.
Иккиланиш	Сўзловчининг қатъиятсизлигига ишора қилувчи бирликлар	So ... may be ... I thought ... you could lend me a book of yours	Балким, китобингни эртагача бериб туарсан.
Мурожаат	Илтимосни айтишдан олдин тингловчига мурожаат шакли	Hey Lucy, Excuse me, hello	Лола, дўстим кечирасан ...
Тайёрлаш	Тингловчини илтимосни қабул қилишга ҳозирлаш бирликлари	Can you do me favour?	Бир нарсага ёрдам қиласангиз ....
Изоҳлаш	Илтимоснинг сабабини изоҳловчи кўрсаткич	It would help me in my research	Менинг диссертациямга кўмак берар эди ...
Ваъда	Илтимос бажарилса, тингловчи оладиган фойда	I'll be your best friend	Умрбод дўст бўлар эдик ...
Мақтов	Комплимент, хушомад кўрсаткичлари	Sir, you are a professional professor	Домлажон, Сиз соҳанинг эгасисиз ....
Кечирим сўраш ва мулоқотни тугатиш	Илтимосни эслатиш ва кечирим сўраш, миннатдорчилик билдириш	Sorry for trouble. Thank you so much	Безовта қилганим учун узр сўрайман, олдиндан катта рахмат.



Электрон хат шаклидаги илтимос ҳам сўзловчи фойдасига бажарадиган ҳаракатга ундаш эканлиги аниқ. Биз таҳлил қилаётган илтимос электрон мактублар адресатининг ижтимоий мавқеси муаллифларнидан юқори бўлгани учун (улар - профессор-ўқитувчилар) аниқ мундарижавий тузилишига эга. Улар кириш, асосий ахборот қисми ва меъёрдаги ёпилиш қисмларидан иборат. Кузатувлар гувоҳлик беришича, студентлар ўз устозларига электрон хат орқали мурожаат қилишиб, ўқув ва тадқиқий соҳаларига оид маълумотларни сўрайдилар [8, Б.178-182]<sup>2</sup>. Шунинг билан биргаликда, ушбу кўринишдаги илтимос нутқий актини бажариш баъзи қийинчиликлар билан боғлиқ бўлади. Айниқса хат хорижий тилда битилаётганда бу қийинчиликларнинг даражаси ўсади. Буни биз хурмат тамойили воқеланиши ҳолатларида яққол сезамиз. Ўз раҳбарига илтимос билан мурожаат қилаётган талаба, магистрантга хурмат категорияси кўрсаткичларидан фойдаланиш ортиқчадек кўринади ва баъзан улар расмий мулоқот шаклидан камроқ фойдаланиш йўлини излаб бошлайдилар. Аммо ахборот баёнининг маъқул усулини танлаш, қилинаётган илтимоснинг амалга ошиши, мулоқот самарасининг гаровидир [9, Б.125-145]<sup>3</sup>.

Эслатилган назарий талқинларга асосланган ҳолда тажриба-синов иштирокчилари бизга топширган электрон илтимос хатлари нусхаларини квантатив ва квалитатив таҳлилини бажардик. Олинганд жавобларнинг умумий сони 140 та бўлиб, шулардан 52 таси биринчи (UzbS – ўзбек тилида сўзловчилар), 48 таси иккинчи (ESUzb – инглизча сўзлайдиган ўзбеклар) ва 40 таси учинчи (ESS – она тили инглиз бўлганлар) групкаларига тегишлидир.

Синовда мўлжалланган масалалардан дастлабкиси электрон шаклда илтимосномаларнинг матн тузилишидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини қиёслаш эди. Ушбу мақсадда бажарилган таҳлилнинг натижалари қўйидаги жадвалда акс эттирилган (2 - жадвалга қаранг):

## 2- жадвал Электрон илтимосномаларнинг дискурсив тузилиши

Групкалар	UzbS		ESUzb		ESS	
	сони 52	%	сони 48	%	сони 40	%
Структур қисмлар						
Хатнинг предмети	30	58	40	83	36	90
Кириш	48	92	38	79	34	84
Илтимос	52	100	48	100	40	100
Хатни тугатиш ҳақидаги маълумот	46	88	42	87	38	95
Миннатдорчилик	44	85	46	96	40	100
Имзо	52	100	40	83	40	100

Жадвалдан кўринадики, илтимос электрон мактубни она ва чет тилларида ёзувчилар матн тузишда бир хил кўрсаткичга эга эмас. Мактубнинг бошланишида мулоқот мавзусини кўрсатиш амалиёти билан инглиз тилидан чет тили сифатида фойдаланувчиларнинг ҳаммаси учун бир хилда таниш эмас (83%) ва буни она тилидан фойдаланувчиларники билан қиёсласак, фарқ сезиларли эканлиги кўринади.

<sup>2</sup>Marbach-Ad G., Sokolove P. Creating direct channels of communication fostering interaction with e-mail and in-class notes // Journal of College Science Teaching, 2001. vol. 13. – P. 178-182.

<sup>3</sup>Najeeb Z.M., Maros M., Nor F. Politeness in e-mails of Arab students in Malasia // Journal of Language Studies, 2012. vol. 12. – P. 125-145.



Худди шундай фарқ кириш қисмлари қиёсида ҳам намоён бўлади: кириш иборалари она тилида сўзловчиларнинг қарийб барчасининг эсидан чиқмаган (UzbS гуруҳида 48 та жавобда; ESS гуруҳида 34 та мактубда), аммо иккинчи гуруҳда (ESUzb) 10 та жавобда бу қисм тушириб қолдирилган. Бундай фарқни хатларнинг ёпилиш қисми қиёсида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, инглиз тилидан иккинчи тил сифатида фойдаланаётганларнинг фақат 40 таси илтимосномага имзо чекишни маъқул кўрган. Бундан кўринадики, ушбу гуруҳдагилар электрон мактуб тузиш қоидаларини тўлиқ эгаллаб улгурмаган бўлиши мумкин.

Гурухлар ўртасидаги умумийлик электрон хат мундарижасининг марказида турган илтимос нутқий акти мазмунни воқеланишида намоён бўлади. Жавобларнинг барчасида ушбу мазмуннинг ифода топганини кузатамиз. Дарҳақиқат, илтимос «етакчи ҳаракат» (head act) сифатида илтимосномаларнинг негизида турди ва тажриба иштирокчиларидан унинг бажарилиши талаб қилинади. Шу сабабли «илтимос мундарижасидаги электрон мактубнинг» умуртқа суягини (backbone) ҳосил қиласи [7, Б.111-138]<sup>4</sup>. Биз таҳлилга тортган электрон манбаларда ҳам асосий коммуникатив мақсад – илтимос қилишдир. Жавоблардан маълум бўлишича, баъзи респондентлар асосий илтимосга қўшимча равишда яна айрим иккиламчи илтимос нутқий актларини ҳам илова қилганлар.

Айтиш жоизки, электрон хатлар мундарижасининг бошқа қисмлари айнан марказий ёки «умуртқа» нутқий актининг воқеланиши ва илтимос прагматик мазмуннинг ифодаси учун ёрдам беради. Шунинг учун ҳам уларнинг матндаги иштироки бир текис эмас, улардан баъзилари (масалан, замон-макон кўрсаткичлари, таклиф қисми ва юмшатиш ишоралари) таҳлил қилинаётган мактублар матнида камдан-кам учрайди.

Навбатдаги вазифалардан бири илтимос ифодасида қайси стратегия кўпроқ фаоллашувини аниқлашдан иборат эди. Бунда эътибор электрон хатларда илтимос нутқий актининг бевосита ва билвосита шаклларини фарқлашга қаратилди. Шунингдек, илтимосга шаъма қилиш ҳолатларини ҳам алоҳида гуруҳга ажратишга қарор қилинди. Чунки шаъма усулидаги илтимос бошқа турдаги нутқий актлардан тузилиши ва коммуникатив мақсадни ифодалаш шакли билан бутунлай фарқ қиласи. Жадвалдаги тасвирдан аёнки, она тилида электрон мактубни битаётган талабалар ўз илтимосларини бевосита ифодалашдан унчалик тортинмайдилар ва ушбу услубда бажарилган илтимос нутқий актларининг умумий миқдори қарийб 60% га яқинлашиб қолади. Билвосита нутқий актлар сони ҳам гурухлар ўртасида унчалик катта фарқقا эга эмас (3-жадвалга қаранг).

### 3-жадвал Тажриба гурухлари иштирокчилари қўллаган ифода усуллари

Стратегия тури	Биринчи гуруҳ (UzbSs) 52 та жавоб		Иккинчи гуруҳ (ESUzb) 48 та жавоб		Учинчи гуруҳ (ESS) 40 та жавоб	
	сони	%	сони	%	сони	%
Бевосита ифода	30	58	24	50	16	40
Билвосита	18	35	22	46	18	45

<sup>4</sup>Economidou-Koetsidis M. Internal and external mitigation in interlanguage request production // Journal of politeness Research, - 2008. vol. 4. – P. 111-138.



ифода						
Шаъмали ифода	4	8	2	4	6	15

Лекин илтимоснинг шаъмали ифодаланиши кам кузатилади. Бунинг сабаби, бизнингча, мулоқотнинг онлайн кўринишда кечеётгани бўлса ажаб эмас. Шаъманинг асл коммуникатив мақсадини англаш учун мулоқот юзма-юз кечгани маъқул. Зоро, юзма-юз мулоқот шароитида мазмунни шаклантирувчи нолисоний воситалардан бўлган паралингвистик кўрсаткичларнинг роли алоҳида эканлиги маълумдир. Айрим адабиётларда электрон тарзда узатилаётган илтимос нутқий актларини конвенционал ва ноконвенционал турларга ажратиш таклифи билдирилади [5, Б,59-81]<sup>5</sup>. Бевосита илтимос нутқий акти тўрт хил ифода кўринишига эга:

- императив шаклидаги тузилма (масалан, *Please read it and tell me if any improvement is needed*);
- перформатив қўлланган тузилма (масалан, *I'm e-mailing for your suggestion...*);
- истак баёни (масалан, *I want to have an appointment with you...*);
- изоҳ бериш (масалан, *I hope I could the opportunity to have a word with you and have your advice on my proposal*).

Конвенционал билвосита илтимос нутқий актларининг ифодаланиши ўзига хос бўлиб, бунда адресатни илтимосни қабул қилишга тайёрлаш муҳим ўринни эгалайди. Қиёсланг:

- Can you check something for me on the Bodlian ms ?*
- I just wondered if you knew of any books that set out English dialect in formation from the perspective of each dialect.*

Ниҳоят, конвенционал хусусиятга эга бўлмаган билвосита нутқий актлар қаторига илтимоснинг шаъмали ифода топиш ҳолатлари киритилади. Масалан: *Do you think this essay needs to be improved?*

Тажриба-синов натижалари кўрсатишича, илтимосни электрон шаклда баён қилаётган талабалардан ўз она тилидан фойдаланаётганлари нутқий актнинг билвосита шаклига кўпроқ мурожаат қиласидилар ва бунда баъзан шаъма сифатида баҳоланадиган *attached is the ... work* иборасини қўллайдилар. Шунингдек, она тилидан фойдаланган респондентлар истак ва изоҳ нутқий формуласидан илтимосни баён қилишда фойдаланишга одатланганлар. Бунда хат муаллифи асосан ўзлигини таъкидлаш имкониятидан фойдаланиб, «Мен» шаклига мурожаат қиласидилар. Ўзбек талабалари, аксинча, адресатнинг шахсини таъкидловчи «Сиз», «Сиздан» элементларидан фойдаланади. Саккизта электрон мактубда эса шахссиз ифода усули фаоллашганини кўрамиз (4 - жадвалга қаранг).

#### 4- жадвал Илтимос шахсининг таъкидланиши

Илтимос шахсининг таъкидланиши	UzbS гуруҳи жавоблар сони 52	ESUzb гуруҳи жавоблар сони 48	ESS гуруҳи жавоблар сони 40
--------------------------------	------------------------------	-------------------------------	-----------------------------

<sup>5</sup>Biesenbach-Lucas S. Student's writing e-mails to faculty an examination of e-politeness among native and non-native speakers of English // Language Learning and Technology, 2007. vol. 11. – P. 59-81.



«Мен», яъни сўзловчи шахси	30 (%)	30 (%)	20 (%)
«Сен» – адресат шахси	15 (%)	16 (%)	14 (%)
«Биз» – сўзловчи ва адресат шахси	5 (%)	2 (%)	0 (%)
Шахсиз изҳор	2 (%)	0 (%)	6 (%)

Кузатишимизча, инглиз тилидан чет тили сифатида фойдаланаётган ўзбек талабалари ўз она тилига хос бўлган шахсни таъкидлаш усулини инглиз тилидаги матнларга кўчиришга ҳаракат қилганлар. Бунинг оқибатида, бильвосита ифодаланиши мумкин бўлган илтимос нутқий актлари бевосита ифода кўринишини олган.

Қиёсланг:

- a) *I wondered if you knew of any books that set out...*
- b) *I was wandering if you are available to meet up within week 8 or 9 discuss.*
- c) *I do hope I could meet you sometime this week.*
- d) *I would like to know if i could ask for a casual leave of absence for next Thursday...*

Шу гуруҳдаги талабалар инглиз талабаларига нисбатан кўпроқ *can / could you...* қолипли ибораларга мурожаат қилганлар:

- a) *Could you show me something to start with?*
- b) *Can you help me reschedule it to next month?*
- c) *Would you please have a very quickly scan of my draft...*

Ниҳоят, илтимос нутқий актининг шахсиз шакли барча гурухларда кам учрайди. Ўзбек талабалари бу ўринда бевосита савол шаклига мурожаат қилсанлар, инглизлар *Would it be possible* иборасини қўллашни маъқул топганлар:

- a) *Does the equipment suitable for the use in ...?*
- b) *Does this apply to listening exercises ...?*
- c) *Would it be possible to come and see you ... in your office hour ?*
- d) *Would it be better to hold fire on ... until you have more time?*

Барча электрон илтимос хатларининг адресатлари университетлар профессорлари бўлғанлиги боис талабалар ижтимоий масофани сақлашга ҳаракат қилганлар ва илтимос оҳангини юмшатиш йўлларини қидирганлар. Бундай юмшатиш воситалари синтактик ва лексик қатламларга оид бўлиб, улар, бир томондан, мазмунни юмшатиб ифодалашга хизмат қилсанлар, иккинчи томондан, мулоқотни бошқариш воситаси хизматини ўтайдилар. Бундан ташқари, ушбу воситаларнинг турли маданиятлар вакиллари нутқида қиёсланиши талабаларнинг прагмалингвистик компетенцияси даражасини баҳолашга имкон беради.

Синов иштирокчилари қўллаган асосий юмшатиш воситалари қуйидагилардир:

1. Савол шакллари:	<i>Could you please tell me what I should do next?</i>
	<i>Can I just submit the first draft of my choosing ...?</i>
	<i>Would you please make such a letter for us ?</i>
2. Давомийликаспектуал	<i>I was just wondering how to go about signing up?</i>



маъноси:	
	<i>I am wondering ... (I wonder ... ўрнига);</i>
	<i>I am hoping ... (I hope ўрнига);</i>
3. Ўтган замон шакли:	<i>I was wondering ... (I am wondering ... ўрнига)</i>
	<i>Would you please ... (Will you please ... ўрнига)</i>
	<i>I wanted to know ... (I want to know ... ўрнига).</i>
4. If боғловчили гап:	<i>If you could, please highlight me ...</i>
	<i>I am wondering if you could do me a favour ...</i>
	<i>If you could circulate these details, that would be great.</i>

Ушбу тўрт турдаги юмшатгичларнинг биз таҳлил қилган электрон хатларда қўлланиш даражаси бир хил эмас. Куйидаги жадвалдан кўринадики, савол шакллари барча гурухлар вакиллари томонидан қўлланган бўлса, давомийлик аспектига анча кам мурожаат қилинган (5 - жадвалга қаранг).

#### 5– жадвал Синтактик модификаторларнинг қўлланиш даражаси

Синтактик модификаторлар	Қўлланиш миқдори			
	UzbS гурухи (жавоблар сони 52)	ESUzb гурухи (жавоблар сони 48)	ESS гурухи (жавоблар сони 40)	Умумий сони 140
Савол шакллари	26	24	10	60
Давомийлик аспекти	8	8	6	22
Ўтган замон	16	12	16	44
Шарт эргаш гапи	2	4	8	14

Жадвалдан аёнки, инглиз тилидан чет тили сифатида фойдаланаётган ўзбек студентларининг айрим қисми аспектуал шакллар ва шарт майлиниңг кўрсаткичи бўлган «*if clause*» тузилмалари билан яхши таниш эмаслар. Электрон илтимосномаларни ўз она тилида тузган ўзбек талабаларининг матнларида шарт эргаш гапининг қарийб қўлланмаётгани ушбу шаклнинг илтимос жанридаги мактублар учун у қадар оммавийлашмаганидан дарак беради. Инглиззабон талабалар эса имкониятдаги барча воситалардан фойдаланишга харакат қиласилар. Қиёсланг:

- a. *I just wanted to let you know that ... .*
- b. *I was wondering if I could come and see you ... .*
- c. *If I could circulate these details, that would be great.*

Бу мисоллардан кўринадики, инглиззабон талабалар ҳатто биргина илтимос нутқий акти ифодасида бир нечта воситаларга мурожаат қилиш имкониятига эгадирлар. Масалан, (b) мисолида ўтган замон, давомийлик аспектуал ва савол шакллари бирикаётганини кўрамиз. Бундан ташқари, аслида дарак гапи бўлган ушбу тузилманинг савол белгиси ёрдамида транспозиция қилиниши билвосита илтимосни воқелантироқда. Кузатишимида, ушбу транспозиция усули инглиз тилидаги электрон хатларда тез-тез қўлланиладиган воситадир. Биз тўплаган мисолларнинг кўпчилиги *I wonder ... ?* қолипида шакллантирилган.



Инглиз тилидан хорижий тил сифатида фойдаланаётган ўзбек студентларининг мактубларида синтаксик воситаларнинг бу хилдаги бирикуви камдан-кам кузатилади. Буни қуйидаги мисолларда қўришимиз мумкин:

- a) *I am wondering whether you can do me a favour to ... .* (ўтган замон шаклига мурожсаат қилинмаган);
- b) *I wonder if you have anything to add to my knowledge on this.* (ўтган замон шакли йўқ)
- c) *Just want to know if the implementation of ...* (ўтган замон шакли йўқ).

Илтимос оҳангини юмшатиш луғавий воситалар ёрдамида амалга оширилиши мумкинлигини юқорида айтган эдик. Респондентлар берган жавобларнинг таҳлилидан маълум бўлишича, илтимос электрон хатларини ўз она тилларида тузган талабалар лексик воситаларга бошқалардан кўра қарийб икки баробар кўпроқ мурожаат қиласидар. Уларнинг илтимос нутқий актларида баъзан икки ва ундан ортиқ луғавий модификаторлар ҳам учраши мумкин. Луғавий воситалардан илтимос оҳангини юмшатиш мақсадида фойдаланиш даражаси қуйидаги жадвалда акс топади (6 - жадвалга қаранг).

#### **6 - жадвал Луғавий модификаторларнинг қўлланиш даражаси**

Модификаторлар	Қўлланиш миқдори			
	UzbS грухи (жавоблар 52 та)	ESUzb грухи (жавоблар 48 та)	ESS грухи (жавоблар 40 та)	Жаъми (жавоблар 140 та)
Please; Илтимос	22	20	11	
Даунтоунерлар (possibly, possible; балки, имкони бўлса кабилар)	16	36	12	
Кичрайтириш воситалари (a little, just; бироқ, озроқ кабилар)	6	2	5	
Чегараловчи воситалар (some, any; ҳар қандай, биронта кабилар)	4	3	6	
Субъектлаштириш воситалари (I wonder, I hope; ўйлайманки, ишонаманки кабилар)	4	17	6	

Иккинчи грух вакиллари, яъни инглиз тилидан хорижий тил сифатида фойдаланувчилар please ва I hope бирликлари иштирокидаги илтимос нутқий актларини тузишни ёқтирадилар. Қизиги, бу модификаторлар кўпинча буйруқ шаклидаги ёки could / would you қолипидаги илтимос нутқий актларида учрайди.



Инглиз тили соҳиблари эса бу ўринда *I wonder* ... структурасини маъқул кўради. Қиёсланг:

- a) *Please check the file I attached;*
- b) *Could you please tell me what I should do?*
- c) *Would you please explain a little bit of the difference between them.*
- d) *I was wondering if you are free any time next week for a supervision meeting please?*

Инглиззабон респондентлар хатларида субъектлаштириш элементлари (*I wonder*, *I was wondering*, etc.) кўп учрайди ҳар бешта электрон хатдан биттасида даунтоунерлар (possibly, maybe, perhaps) қўлланганини кузатамиз. Бундай турдаги лугавий воситаларнинг иккинчи гурух вакиллари томонидан қўлланиш даражаси анча паст (5%).

Олиб борилган таҳлил электрон хатни она ва чет тилида тузишда бирмунча фарқли ҳолатлар мавжудлигига ишора қиласди. Жумладан, илтимосни чет тилида баён қилаётганлар хатларида синтактик модификаторлар нисбатан кам учрайди. Ушбу гуруҳдаги респондентларнинг электрон мактубларида илтимос нутқий акти оҳангини пасайтирувчи лексик элементлар кам қўлланиб, асосий эътибор ахборотни субъектлаштиришга қаратилган. Инглиззабон талабалар эса, аксинча, илтимосни субъективлаштиришга унчалик мойил бўлмасдан, балки лексик модификаторлардан кенг миқёсда фойдаланадилар.

Шундай қилиб, илтимос электрон хатлари тузилишида гуруҳлар вакиллари кўп ҳолатларда умумий қоидаларга амал қилишгани кўзга ташланади. Бироқ, шунинг билан биргаликда, хатлар структурасида айрим силжишлар, номувофиқликлар ҳам мавжуд. Жумладан, барча гуруҳлар ёзма баённинг риторик усулларига бир хилда мурожаат қилган бўлсалар-да, лекин стратегиялар танловида турлича йўл тутишган. Масалан, ўзбек тилидаги хатларда расмий мурожаат усули устунлик қиласди. Шу гуруҳдагилар, шунингдек, бевосита илтимос нутқий актининг самарали бўлиши мумкинлигини ҳам унутмаганлар. Инглиззабон респондентлар ўз навбатида, билвосита илтимос кўпроқ самара келтиришига ишонадилар. Ниҳоят, инглиз тилидан чет тили сифатида фойдаланаётганлар таъкидни юмшатиш воситаларини жуда эҳтиёткорона ишлатишга одатланганлиги маълум бўлди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Сафаров Ш.С. Этнокультурные компоненты дискурсивной деятельности // Язык, дискурс и личность.-Тверь: Изд-во Тверск.ун-та,1990.-С. 105-110. (Safarov Sh.S. Etnokulturnye komponentidiskursivnoy deyatelnosti // Yazik, diskurs i lichnost.-Tver: Izd-vo Tversk. un-ta, 1990.- S. 105-110.)
2. Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 286 б. (Safarov Sh.S. Pragmalingvistika. – T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2008. – 286 b.)
3. Сафаров Ш.С. Лингвистика дискурса. – Челябинск: ЧГИК, 2018. – 315с.(Safarov Sh.S. Lingvistika diskursa. – Chelyabinsk: ChGIK, 2018. – 315s.)
4. Сейтжанов Ж.Е. Инглиз ва ўзбек тилларида ундалманинг қиёсий тадқиқи. Филол. фан. номзоди. дис. ... автореферати. – Т., 1912. - 20 б. (Seytjanov J.E. Ingliz va



o'zbek tillarida undalmaning qiyosiy tadqiqi. Filol.fan. nomzodi. Diss. ... avtoreferati. – T., 1912. – 20 b.)

5. Biesenbach-Lucas S. Student's writing e-mails to faculty an examination of e-politeness among native and non-native speakers of English // Language Learning and Technology, 2007. vol. 11. – P. 59-81.
6. Blum-Kulka Sh., Olshtain E. Requests and apologies. A cross-cultural study of speech act realisation pattern (CCSARP).// Applied Linguistics, 1984.vol. 5. – P. 196-213.
7. Economidou- Kogetsidis M. Internal and external mitigation in interlanguage request production // Journal of politeness Research, - 2008. vol. 4. – P. 111-138.
8. Marbach-Ad G., Sokolove P. Creating direct channels of communication fostering interaction with e-mail and in-class notes // Journal of College Science Teaching, 2001. vol. 13. – P. 178-182.
9. Najeeb Z.M., Maros M., Nor F. Politeness in e-mails of Arab students in Malasia // Journal of Language Studies, 2012. vol. 12. – P. 125-145.